# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 15 май, № 94 (5514) Сешанба



# ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

## Президент Ислом Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.*

Давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантиқий асоси, амалий хулоса ва таклифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур суҳбатда, аввало, халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**“Агарки ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошимиз қатнашганини, шундан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, бу фожиа Ўзбекистондаги биронта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади”.**

Дарҳақиқат, бу рақамларнинг мағзини чақадиган бўлсак, улар халқимиз бошига тушган чексиз қайғу-алам ва изтироблардан далолат бериши ўз-ўзидан равшан бўлади.

**“Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидаги, қалбидаги мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди,** — деди давлатимиз раҳбари. — **Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратганимиздан сўрайди”.**

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани ва қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетгани ушбу чиқишда алоҳида қайд этилди.

**“Жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди”,** деган сўзлар айни ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида ғоят муҳим мавзуга, яъни мудҳиш ва аёвсиз урушнинг такрорланмаслиги учун унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганига жиддий эътибор қаратди.

**“Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги қарама-қаршилик, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, аввало, Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этаётган таҳликали вазият Ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади”** деган фикрлар, табиийки, ўз оиласининг, фарзандларининг эртанги куни ҳақида ўйлайдиган ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмайди.

Айниқса, бугунги шиддатли замонда локайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, Ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб, бошқаларнинг дардини ўзига яқин олиб яшаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу интервьюдаги **“Эй одамзод, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишини бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади”** деган, бамисоли қалб нидоси каби янграган даъваткор сўзлар ҳаммамизни ён-атрофимизга сергак назар ташлаб, маънавий жиҳатдан доимо уйғоқ бўлиб яшашга ундайди.

Хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берилди.

**“Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир”.**

Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйғусидан уйғотади, унинг ғафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика миқёсидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чуқур сиёсий мазмунга, дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузанинг “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан” деб аталиши буни яққол тасдиқлайди.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, бундан 22 йил олдин сўзланган ўша маърузада ушбу шарҳимизда тилга олинаётган энг муҳим масалалар, яъни тарихга ҳурмат билан қараш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урф-одат ва анъаналарни, миллий тилни асраб-авайлаш, миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, миллатчилик, шовинизм, “оммавий маданият” кўринишларига қарши курашиш, байналмилал тарбияни кучайтириш, ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, Қуролли Кучларга муносабат каби ўнлаб масалалар ўзининг ҳар томонлама чуқур таҳлилини топганини ва бу масалалар бугунги кун билан нақадар ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин.

Хотира майдонидаги суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов, шунингдек, бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириши лозим бўлган яна бир ўта муҳим мавзуга батафсил тўхталиб ўтди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна илдиз отаётгани, қайта бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани ҳақида, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида куйиниб сўз юритди.

**“Биз ҳозир XXI асрда яшаяпмиз, миллатчилик иллати ўрта асрларда қолмадими? Бизга қўшни бўлган баъзи давлатларда тарихлар қайта ёзиляпти, бу борада институтлар, идоралар тузиляпти. Гўёки, бу давлатдаги асосий миллатнинг у билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатлардан устун томонлари бор экан. Бундай нохуш ҳолатларга вақтида баҳо бермасак, уларнинг олдини олмасак, оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар”** деган сўзлар, ҳеч шубҳасиз, огоҳ этувчи бир бонг бўлиб янгради, десак, асло хато бўлмайди.

Афсуски, вақт ўтиши билан баъзи ҳақиқатлар эсдан чиқади, баъзи ҳақиқатлар ғаразли мақсадларда сохталаштирилади. Ана шундай ҳолатларни назарда тутган ҳолда, Президентимиз бугунги кунда фашизмни, Гитлердек ёвуз шахсларни оқлашга бўлган уринишларни қаттиқ қоралаб, тарих ҳақиқатини ҳеч қачон унутмасликка чақирди: **“Ҳозирги вақтда баъзи жойларда Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган даъволар, баёнотлар ҳалибери чиқяпти. Бундай гапларни эшитганда, мен ўзимга ўзим савол бераман: агарки фашизмни ҳукумат тепасига олиб келадиган бўлса, буни демократик йўл деб айтишга ўзи қандай тил боради ва бу қандай ақлга сиғади?”**

Мазкур чиқишда бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлаётгани тўғрисида атрофлича фикр юритилди: **“Аввалабмор, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас”.**

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ ВА МДҲ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йил 15 май куни Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олий органларининг мажлисларида иштирок этади.

## Биз ва жаҳон

*Бу йил Ўзбекистон Республикаси ва мамлакатимизнинг Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги истиқболли шерикларидан бири бўлмиш Таиланд Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 20 йил тўлди.*

# Таиланд Қироллиги – Ўзбекистоннинг истиқболли ҳамкорларидан бири

Таиланд Қироллиги 1991 йилнинг 26 декабрида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди. 1992 йил 29 январда эса давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгани ўзаро ишончга асосланган изчил алоқаларнинг йўлга қўйилиши ва мустаҳкамланиши учун пойдевор бўлди.

Жадал равишда ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган Таиланд Жануби-Шарқий Осиёнинг етакчи мамлакатларидан бири саналади. Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўтган давр мобайнида икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар мунтазам тараққий топиб келаяпти.

Минтақавий ҳамда умумбашарий аҳамиятга молик кўплаб муаммоларнинг ҳал этилиши борасида икки мамлакат нуқтаи назарининг яқинлиги ва бир-бирига мувофиқлиги муваффақиятли ҳамкорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Таиланд Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги, Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани бўйича Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси доирасида Ўзбекистон билан яқин ҳамкорликдан манфаатдордир.

Ҳар икки давлат халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, 2006 йилнинг май ойида Таиланд Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот ташкилоти минтақавий механизмининг ташкилотчиси сифатида Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотдаги аъзолигини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, Таиланд Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ҳамда барқарорликни сақлашдаги ўрни ва ҳиссасини, шу жумладан, ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича ташаббусини юксак баҳолайди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам ЮНЕСКО Бош конференциясининг 36-сессияси доирасида 2011 йилнинг 2 ноябрида Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия кенгашига сайловларда Таиланд номзодини қўллаб-қувватлади.

2005 йилнинг апрель ойида Таиланд маликаси Маха Чакри Сириндорнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ривожига ижобий туртки берди.

2007 йил май ойида Таиланд ташқи ишлар вазирининг ўринбосари С. Конгсири бошчилигида ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф якунлари бўйича имзоланган Ўзбекистон ва Таиланд ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ўзаро сиёсий алоқалар ва ҳамкорликнинг муҳим механизми бўлди.

Ҳар икки томоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилиши шарофати билан кейинги йилларда икки томонлама сиёсий-дипломатик мулоқот ҳам сезиларли даражада фаоллашмоқда. Масалан, 2010 йилнинг октябрь ойида Тошкентда Таиланд Қироллигининг Ўзбекистон Республикасида Фахрий консуллиги очилиши маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

# Жамиятнинг муҳим таянчи

*«Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор».*

**Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.**

**15 май — Халқаро оила куни**

Оила — жамиятнинг асосий бўғини, келажак пойдеворини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий институтдир. Айнан шу боис мамлакатимизда оила ва никоҳни мустаҳкамлаш, оналар ҳамда болалар саломатлигини асраб-авайлаш, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда ҳам оила жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга уйғун тарзда Президентимиз томонидан 1998 йилнинг “Оила йили” ва 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинганлиги, шулар асосида Давлат дастурлари қабул қилиниб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани мамлакатимизда оила институтини ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бинобарин, яқинда кучга кирган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шундай бекиёс ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Энг муҳими, бугун катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, оилаларда ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашиш давлат сиёсати даражасида устуворлик касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Ярмарка

*Наманганда ташкил этилган Ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун эришилган ютуқлар ва истиқболли лойиҳаларни намойиш қилиш, талаб ва таклиф мутаносиблигини белгилаб олишда амалий восита вазифасини ўтади.*

# Манфаатли алоқалар, янги имкониятлар

Вилоят марказидаги Маданият саройида ўтказилган ушбу тадбирда 150 та корхона мингдан зиёд турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат эканлиги, айниқса, диққатга сазовор. Зеро, иқтисодиёт таянчи бўлган мазкур соҳа вакиллари ўзларининг импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида уларнинг улуши 78 фоизни ташкил этаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

(Давоми 3-бетда).

# Манфаатли алоқалар, янги имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Наманган туманидаги "Element paint" масъулияти чекланган жамиятининг кўргазмага қўйилган 12 турдаги локбўёқ маҳсулоти тадбир иштирокчиларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Пировардида ўндан ортиқ бинокорлик ва савдо ташкилотлари қишлоқ корхонасида тайёрланаётган юқори сифатли қурилиш материалини харид қилиш истагини билдириб, 100 миллион сўмликдан зиёд шартнома имзоладилар.

— Ярмаркада парфюмерия маҳсулотларимиз билан қатнашиб, улар истеъмол бозорида ўз ўрнини топиб бораётганига яна бир бор амин бўлдик, — дейди "Юнилевер чемикал" қўшма корхонаси раҳбари А. Аҳмаджонов. — Ҳамкорлар билан тузилган 145 миллион сўмлик шартнома эса қувватлардан оқилона фойдаланиш ва янги имкониятларни юзага чиқариш учун пойдевордир.

Айтиш керакки, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги қувватларни фойдаланишга топшириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар туфайли вилоят иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят саноат корхоналари томонидан 286 миллиард сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 174,9 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бу соҳадаги истиқболли лойиҳалар ижроси изчил давом эттирилиб, йил охиригача жами 41 та корхонада 20,3 миллиард сўмлик модернизация, техник ва технологик янгилаш тадбирлари рўёбга чиқарилади.

Икки кун давом этган тадбир доирасида саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илғор технологияларни жорий этиш бўйича ўтказган тақдимотлари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида 5,7 миллиард сўмлик, экспорт йўналишида эса 4,1 миллион АҚШ долларилик шартномалар имзоланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбир

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг маданий анъаналар ва миллий таомлар X фестивали бўлиб ўтди.*

# Маданий анъаналар фестивали

Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари О. Усмонов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқлар ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлади.

Ранг-баранг таомлар, ичимликлар, либослар, буюмлар намойиш этилган ушбу маросим вазирликнинг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан ташкил этилди. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган фестиваль турли халқларнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этиш, улар билан қатнашчиларни яқиндан таништириш баробарида юртимизда фаолият юритаётган дипломатларнинг маданий ҳордиқ чиқаришида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Яқинда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганига 20 йил тўлди, — дейди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Ки Диа Ким. — Ўтган давр мобайнида ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда янгидан-янги уфқлар очилмоқда. Булар икки халқнинг орзу-истаклари билан муштаракдир.

*Бу галги кўргазмада АҚШ, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Франция, Буюк Британия, Италия, Германия, Польша, Швейцария, Чехия, Япония, Малайзия, Озарбайжон, Туркманистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон, Эрон, Бангладеш, Индонезия, Кувайт, Вьетнам, Қозоғистон, Миср, Украина каби ўттиз тўрт давлатнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.*

Ким хоним корейс ошхонасига файз бериб турувчи кимчи(тузланган сабзавотлар, асосан, карамдан тайёрланади), хан-гва (таркиби донли ўсимликлар, ун, асал, шакар, гул ва ўсимлик илдизларидан иборат) ширинлиги ҳамда печеньелар, шунингдек, шифобахш ўтлар шарбати — пуриҳанинг таъмидан татиб кўришга таклиф этди.

Бундай самимий дил сўзларини Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готьедан ҳам эшитдик:

— Халқингиз меҳмондўст ва бағри кенг. Айниқса, кексаларга эъзозу эҳтиром кўрсатиш, қадриятларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бунёдкорлик каби фазилатларига ҳавас қилса арзийди. Бундай олижаноб хислатлар пойтахтингизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Дарвоқе, дунёнинг кўплаб давлатларида бўлганман. Лекин халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи бу каби фестивални ўтказиш анъанасига фақат Ўзбекистонда гувоҳ бўлдим.

Элчи жаноблари пазандалик санъати ошуфтаси экани, шунинг учун ўзбек халқининг бу борадаги ўзига хосликлари билан яқиндан танишиб, улардан ҳайрати ошганини ҳам билдирди. У, шунингдек, ўзбек ошпазлари тайёрлаган кабоблар мазасига тан берганини алоҳида айтиб ўтди

— Дўстликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган ушбу фестивалда қатнашаётганимдан жуда бахтиёрман, — деди Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Фабио Молин. — Кўргазмамиздан мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос бўлган таомлар, десерт ва ичимликлар жой олган. Пиццаю спагетти дейсизми, таркибида помидор, исмалоқ, гўшт, тухум, ун ва сутли қайла, итальян пишлоғи пармезан бор, лазаньями ёки кантучини печеньеси ва кростато пироги дейсизми, ё желато музқаймоғими, барчаси қаршингизда турибди.

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакили Лу Чунян эса тантанали тадбирларда ҳамюртларига чойхонача палов, кабоб пишириб беришини айтди. Бундан хурсанд бўлдик. У Чин ўлкасида хамирли, айниқса, биздаги лағмон ва чучварани эслатадиган таомлар машҳурлигини қайд этиб, ушбу тадбирда гуручли кулчалар — цзун-цзи ва балиқдан тайёрланган таомларга иштирокчиларнинг қизиқиши катталигини мамнуният билан изҳор этди.

Тадбирда ҳунармандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Қатнашчилар турли халқ вакиллари миллий либослари, рақсларини томоша қилиб, куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хизмати элга манзур

## Қулайлик

*Термиз шаҳридаги "Саховат ипак сервис" масъулияти чекланган жамияти банкнинг 3 миллиард сўмлик кредитидан оқилона фойдаланиб, хизмат кўрсатиш ва замонавий савдо мажмуасини қуриб, ишга туширди.*

"Истиқлол" деб номланган мазкур янги мажмуада бир пайтнинг ўзида 60 та иш ўрни яратилди. Мижозлар бу ерда маросимлар зали, меҳмонхона, сайёҳлик каби бир қатор хизмат турларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК — Shurtan Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

Навоий вилоятидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонаси ишга туширилди.

*Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлари ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилаб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.*

*Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.*



ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚУВУРЛАР 50 ЙИЛЛИК КАФОЛАТ МУДДАТИГА ЭГА.

Полиэтилен қувурларига мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификатлар берилган.

Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.

Шунингдек, буюртмаларни pe-plast.uz сайти ва pe_plast@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони.

419R/156

САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ!

«URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси

такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор



маккажўхори (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га),

кунгабоқар (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)

дурагайлари ва соя (вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)

уруғларини таклиф қилади.

УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

www.semena.uz Тел.: (+99897) 778-40-27, 800-83-13, 775-21-68. Факс (99871) 234-62-45.

726R/562

*Ташкилот*

MOTOROLA, VERTEX, ASELSAN, POSBON

радиостанциялари учун эҳтиёт қисмлар ва жамламалар етказиб бериш бўйича таклифлар киритишингизни сўрайди.

*Маълумот учун телефонлар: (8-371) 231-36-03, 233-44-78.*

782A/177

«NEFTGAZKIPAVTOMATIKA» МЧЖ

КОМПЛЕКС КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ВА ДЕФЕКТОСКОПИЯ

Зарар келтирмайдиган назорат лабораторияси саноат корхоналари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида портловчи ҳамда ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган моддалар сақланадиган, транспортировка қилинадиган ва сотиладиган объектларни дефектоскопия ҳамда комплекс кўрикдан ўтказиш ишларини бажаради.

Жумладан, босим остида ишлайдиган нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарлар, идишлар (сосуд), шунингдек, ер усти ҳамда ер остида ётқизилган газ ва суюқлик ўтказадиган қувурлар, қозонлар ҳамда юк кўтарадиган механизмларни зарар келтирмайдиган назорат усули билан текширувдан ўтказади. Булар қуйидагилардан иборат:
- визуал-ўлчов назорати;
- ультратовушли назорат;
- капилляр назорат;
- рентгенографик назорат;
- паспортларни тиклаш (резервуарлар, идишлар (сосуд), қозонлар, газ ва суюқлик ўтказадиган қувурлар, юк кўтариш механизмлари);
- объектнинг техник ҳолати ҳақида хулоса бериш.

ГЕОМЕТРИК ВА ҲАЖМИЙ УСУЛ БИЛАН ТЕКШИРИШ ҲАМДА КАЛИБРЛАШ

«Neftgazkipavtomatika» компаниясининг метрологик хизмати цилиндрсимон горизонтал ва вертикал пўлат резервуарларни ҳажмли ҳамда геометрик усул билан, газ ва суюқлик ўтказадиган технологик қувурларни ҳам даврий текширувдан ўтказади. Ўлчаш диапазони — 1 $м^3$ дан 5000 $м^3$ гача. Бизнинг текширув лабораториямиз замонавий дастурий таъминот билан жиҳозланган бўлиб, Россиянинг расходометрия илмий текшириш институти томонидан текширувдан ўтказилган. Текширув натижасига кўра, қуйидаги резервуарлар даражали (градуировачные) жадваллар ва сертификатларга эгадир:
- вертикал ва горизонтал;
- идишлар (сосуд);
- газ ва суюқлик ўтказадиган қувурлар.

*Лаборатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, корхонанинг барча мутахассислари юқори даражали малакага ҳамда меҳнат стажига эга бўлиб, мазкур ишларнинг юқори сифатли бажарилишига кафолат берамиз.*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Манзил: Ўзбекистон, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-«А» уй.
Телефонлар: (+99871) 238-93-40, (+99897) 157-54-35. Тел./факс: (+99871) 238-93-42.
E-mail:info@ngka.uz http://www.ngka.uz

637R/503

ТАРОЗИЛАР — Micros

0,0001 гр.дан 250 тоннагача

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор CAS Корпорацияси (Жанубий Корея), МАССА-К Акциядорлик жамияти

ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, шаҳар ГАИси аввалги биноси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (Ҳукумат поликлиника бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

626R/920

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

03R/97

«Buxoro mulk markazi» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

Аукцион савдосига Вобкент тумани СИБ томонидан, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 февралдаги 20-1102/20422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Вобкент ёғ»га тегишли, Вобкент тумани, Беруний кўчаси, 34-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 14 100 кв.м., фойдали майдони 3028 кв.м., қурилиш майдони 35047 кв.м.дан иборат 1-20 та асосий ишлаб чиқариш цехи, 2-4 та экстракция цехи, 3-1 пахта чигит сақлаш омбори, 4-1 ем сақлаш омбори, 5-1 қозонхона, 6-1 ўтиш жойи, 7-2 тарозихона, 8-1 маъмурий бино, 9-2 насосхона, 10-2 трансформатор биноси, 11-2 ҳожатхона, 12 пишиқ ғишт девор, 13-14 ЙТБ панель девор, 15 хом ғишт девор, 16-17 бетон ҳовуз, 18 сув сақлаш биноси, 19 темир дарвозалар, 20 темир панжарали тўсиқ, 21 ёқилғи сақлаш цистернаси ва 22 АСФ бетон майдони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 420 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 21 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 19 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Тел.: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

796R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

ООО «SHANXAY PLAST GROUP»

ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

SPG PIPILENE

производит полиэтиленовые трубы Ø от 16 до 800 мм для водоснабжения, канализации и газа,

соединительные детали: тройники, переходники, отводы, адаптеры.



НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.

Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.

*Гарантия качества! Звоните!*

г. Ташкент, ул. Шайхантохурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.
Тел./факс (8-371) 244-83-00,
моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

143R/40


Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси кафедраси мудири, профессор Жаҳонгир Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

**САНОАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Ҳадемай Навоий шаҳрида “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинларининг республика босқичи бошланади. Бугун нафақат вилоят аҳли, балки барча юртдошларимиз ёшларнинг ана шу бетакрор байрамини катта ҳаяжон ва сабрсизлик билан кутмоқда. Чунки Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли мусобақалар тизими доимо қизиқарли баҳсларга бойлиги, унутилмас лаҳзаларни туҳфа этиб, янги истеъдодларни кашф қилиши билан ҳам барчанинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келади.*

Навоий вилояти:

# Қизиқарли мусобақалар арафасида

Бунга биз аввалги мусобақаларда ҳам кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Масалан, шундай қувончли кунларда телевидение, радио, матбуот ва интернет сайтлари орқали натижалар мунтазам ёритиб борилгани боис томошабинлар сони сезиларли даражада ортади. Ҳатто ўйинларни хориждаги ишқибозлар ҳам кузатиб боришади. Мутахассисларнинг фикрича, қизиқишнинг бундай юқорилигига сабаб бўлувчи омиллардан бири — бу уч босқичли спорт ўйинларининг дунёда ўхшаши йўқлиги ва уларнинг Олимпиада мезонлари асосида ўтказилиши билан боғлиқ.

Бундан ташқари, баҳсларга тайёргарлик жараёнида ҳудудлар инфратузилмасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, кўплаб спорт иншоотлари қад ростламоқда. Ҳозиргача ана шундай мусобақалар ўтказилган вилоятларда ўзига хос “Олимпия шаҳарчалари” барпо этилганки, уларнинг барчаси ўша жойларнинг кўркига кўрк қўшиш билан бирга, яна минглаб ёшлар қалбида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Мезбонларни кутиб олиш арафасида турган Навоийда ҳам бугун ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан кенг қулоч ёйган. Баҳслар бўладиган спорт мажмуалари, маданий ҳордиқ чиқариш масканлари, транспорт тизими яна бир карра кўздан кечирилиб, сўнгги юмушлар бажарилмоқда. Қисқача айтганда, воҳа ўзгача қиёфа ва жозиба касб этган.

“Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинларининг бош объекти, шубҳасиз, Ёшлар спорт мажмуасидир. Унинг таркибидан бир қатор иншоотлар ўрин олган. Жумладан, 10 мингдан зиёд томошабинни бағрига сиғдира оладиган стадион киши ҳавасини келтиради. У ҳозир ям-яшил майса билан қопланган ва мусобақаларни ўтказишга тайёр ҳолатда. Бундан ташқари, ҳар бири 42х30 метр ўлчамдаги 2 та спорт зали ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Бу ерда мухлислар спортнинг бадиий гимнастика, енгил атлетика, спорт гимнастикаси каби турлари бўйича беллашувлар гувоҳига айланишади.

Шу билан бирга, шаҳардаги 2-академик лицейида волейбол баҳслари ташкил этилса, Навоий спорт коллежида стол теннис бўйича ғолиблар аниқланади. “Навоийазот” ОАЖ корхонасига қарашли “Кимёгар” спорт мажмуасида футбол ва қўл тўпи, Навоий кон-металлургия комбинати спорт саройида баскетбол, вилоят футбол мактабида шахмат, кураш турларига ихтисослаштирилган спорт мактабида миллий ва белбоғли кураш мусобақалари ўтказилади. Кўплаб чемпионларни тарбиялаб берган ҳудуддаги “Олтин сув” сузиш маркази ҳам қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Бу ерда бўлажак сузиш усталари ўз имкониятларини синаб кўрадилар.

Шу ўринда, “Умид” қўрғонида янги барпо этилган Олий спорт маҳорат мактаби ҳақида ҳам сўз юритиш жоиз. Мазкур иншоотда 7 та спорт зали мавжуд. Бу ерда болалар тажрибали мураббийлар кўмагида қиличбозлик, юнон-рум кураши, дзюдо, бокс, спорт ва бадиий гимнастика, волейбол ва оғир атлетика каби спорт турлари бўйича шуғулланишлари мумкин. Ушбу таълим маскани ҳам Мустаҳкам оила йилида ёшлар учун ажойиб туҳфа бўлиб қолади.

Табиийки, “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинлари финал босқичини ўтказишда иштирокчилар ва меҳмонларни қулай тураржой билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда спорт шаҳарчаси ҳудудида 100 ўринли тураржой биноси қурилди ҳамда у истиқболда Навоий футбол мактаби ихтиёрига берилади. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлар Навоий давлат педагогика ва Навоий давлат кончилик институтлари, компьютер технологиялари, маданият ва санъат, индустриал-иқтисодиёт, спорт коллежлари тураржой биноларида, шунингдек, “Қизилқумцемент”, “Навоийазот” каби йирик саноат корхоналари тасарруфидаги сиҳатгоҳларда, “Навоий” ва “Ёшлик” меҳмонхоналарида ҳордиқ чиқаришади. Бу ерда улар учун барча қулайлик яратилган.

Яна бир гап. Спорт мусобақалари ўтказиладиган иншоотлар ва тураржой биноларида махсус жиҳозланган тиббиёт хоналари ташкил этилган бўлиб, “Тез тиббий ёрдам” машиналари куну тун хизмат кўрсатишга тайёр ҳолатда туради.

— Мазкур спорт байрамининг очилиш ва ёпилиш тантаналари алоҳида дастур асосида олиб борилади, — дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Умаров. — Тантаналар янада ранг-баранг ҳамда мазмунли бўлиши учун кўзга кўринган санъаткорлар, шунингдек, талаба-ёшлар, ўқувчилар жалб қилинган.

Спортчилар, мураббийлар ва меҳмонлар вилоятнинг Работи Малик, Сардоба, Мирсаид Баҳром мақбараси, Қосим Шайх мажмуаси, Нурота чашмаси каби қатор тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар билан танишадилар. Шунингдек, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритаётган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари гувоҳига айланишади.

Албатта, вилоят шарафини ҳимоя қиладиган ёшлар ҳам бўлажак спорт беллашувларига астойдил тайёргарлик кўришмоқда.

— “Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақаларининг Самарқандда ўтказилган минтақавий босқичида энг кўп тўпурар ҳужумчи сифатида эътироф этилдим, — дейди қўл тўпи бўйича Навоий вилояти қизлар терма жамоаси вакили Маҳлиё Жўлиева. — Бу ўзимга бўлган ишончимни янада орттирди. Насиб қилса, якуний босқичда ҳам муносиб иштирок этаман.

Мухтасар айтганда, бугун Навоий аҳли дўстлик, шижоат ва нафосат байрамига кўтаринки кайфият билан пешвоз чиқмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ОИЛА ДАВРАСИДА» — ЯНГИ НАШР

*Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони яна биттага кўпайди. “Оила даврасида” ижтимой-сиёсий, маънавий-маърифий газетасининг илк сони 100 минг нусхада чоп этилди.*

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан оилани мустаҳкамлаш, оила институтини ривожлантириш масаласига истиқлолнинг илк кунларидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самаралари аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларда ўз ифодасини топаётир. Мустаҳкам оила йилида мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Оила — жамиятнинг энг муҳим бўғини, миллат давомчилари тарбия топадиган маскан. Оилага эътибори баланд халқнинг эртаси обод, давлати қудратли бўлади, миллий ўзлиги завол билмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.

“Оила даврасида” газетаси жамиятимизда оила институтини, эзгу қадриятларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, азалий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, соғлом ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишни ният қилган. Газета давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Янги нашрда мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, азалий миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, оила аталмиш муқаддас қўрғонни мустаҳкамлаш масалаларини кенг ёритиш, турли жанрдаги қизиқарли материалларни чоп этиб бориш кўзда тутилган. Халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилага оид қадриятларнинг тарғиботи аҳиллик ва иноқлик, садоқат ва меҳр-мурувват каби эзгу инсоний фазилатларнинг жамиятимизда янада мустаҳкамроқ қарор топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Янги газета мамлакатимиздаги барча оилалар даврасида севиб ўқиладиган қадрдон нашрга айланади, деган умиддамиз.

**(ЎзА).**

• Реклама ва эълонлар •

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**



**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MChJ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

**Унутманг!**

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

*Лицензия: RR-0001.*

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

563R/1441

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Савдога Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** 2011 йил 12 майдаги ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, «Ўртасарой» ҚФЙ, Чорвачи маҳалласи, 44-уйда жойлашган бино ва иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 50 026 277 сўм.***

**2.** 2011 йил 23 сентябрдаги 4040-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Қумовул» ҚФЙ, А. Икромов кўчаси, 41-уйда жойлашган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 27 301 200 сўм.***

**Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** 2011 йил 14 ноябрдаги 13129-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 184 612 500 сўм.***

**2.** 2011 йил 1 февралдаги 361-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 6-уйда жойлашган, «Садаф» МЧЖга қарашли бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 726 564 000 сўм.***

**Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** 11311-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий кўчасидаги 106-уй.

***Бошланғич баҳоси — 20 554 295 сўм.***

**2.** 362, 363-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Зеленая кўчасидаги 35-уй ва Веселая кўчаси, 34-уйда жойлашган дала ҳовли қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 40 360 000 сўм.***

**Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан** 2011 йил 20 июндаги 15723-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифоқ» ҚФЙ, А. Икромов жамоа хўжалигида жойлашган 2 қаватли омборхона қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 259 414 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 15 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 15 июнь кунидаги савдоларда сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 2 июль куни бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

*Лицензия: RR-0052.*

793R/121

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Фарғона вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-4484-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Қапчуғай» МФЙ, Исломобод кўчаси, 86-уйда жойлашган ҳовли-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 214 840 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 15 июнь куни соат 14.00 да ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 13 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 200152960.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Тел.: (8-373) 224-68-69.**

*Лицензия: RR-0001.*

792R/1441

**DOOSAN** КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«TOU Co., LTD»**
**Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси**

**Жанубий Кореянинг «Doosan Infracore., Co LTD» компаниясида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, жаҳон андозаларига мос**

**йўлсозлик ва қурилиш техникаларини**

**буюртма бўйича етказиб беради.**





**Манзил: 100020,**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,**
**Лайлитўғон кўчаси, 97-«А» уй.**
**Тел.: (+99871) 242-00-27/28, (+99890) 325-15-52, (+99890) 919-15-52, факс: (+99871) 242-00-26.**
**E-mail: nl@uztow.com**

550R/389

## ОБ-ҲАВО (15 май)



| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +15 +20 | +30 +35 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +13 +18 | +30 +35 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +15 +20 | +30 +35 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +13 +18 | +25 +30 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +13 +18 | +26 +31 |
| Тошкент шаҳрида | +15 +17 | +28 +30 |

**«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси**
**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси**

# ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

***қуйидаги қурилмани сотиб олиш юзасидан 06/12-сонли тендер савдосини эълон қилади.***

| Лот сони | Номи | Миқдори |
|---|---|---|
| *Лот № 1* | Ёғоч-пластик композитли профил ишлаб чиқарувчи қурилма | 1 тўплам |

**Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади.**

**Тендер таклифи 245 000 АҚШ долларидан ошиб кетмаслиги зарур.**

***Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.***

**Тел./факс: (+998 75) 780-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: tender@sgcc.uz**

795A/88

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5